

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ БАХОДИР УБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**ИНСОННИНГ РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШИНИ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАШ
(онтологик ва гносеологик таҳлил)**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Рахманов Баходир Убайдуллоевич

Инсоннинг рухий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришини фалсафий
асослаш (онтологик ва гносеологик таҳлил).....5

Рахманов Баходир Убайдуллоевич

Философское обоснование духовно-психологической
самоорганизации человека (онтологический и гносеологический
анализ).....17

Rahmanov Bakhodir Ubaydulloyevich

Philosophical substantiation of human's spiritual-psychological self-
organization (Ontological and gnoseology analysis).....31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of publications
Список опубликованных работ.....35

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАНОВ БАХОДИР УБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**ИНСОННИНГ РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ ЎЗ-ЎЗИНИ
ТАШКИЛЛАШТИРИШИНИ ФАЛСАФИЙ АСОСЛАШ
(онтологик ва гносеологик таҳлил)**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2017

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Fal1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Бахтиёр Оманович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Саломова Ҳакима Юсуповна,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат шарқшунослик
институтини.**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___- рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси).

Б.Т.Тўйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари, фалс.ф.д., профессор

А.А.Азизқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, фалс.ф.н.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, фалс.ф.д., доц.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳоннинг кўпгина минтақаларида тажовузкорлик, маънавий қашшоқлик ва ахлоқий таназзул кўзга ташланмоқда. Мана шундай бир вазиятда инсоннинг руҳий-маънавий ўзлигини англаши янада муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳар бир инсондан интеллектуал масъулиятни, руҳий-маънавий юксакликни, маънавий таҳдидларга нисбатан иммунитетни, бир сўз билан айтганда, маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришни талаб қилмоқда. Шу туфайли XXI асрда инсоннинг ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини бошқариши ҳамда фаолиятини бунёдкорлик томонга йўналтириши давр талабига айланмоқда. Айни пайтда, ўз-ўзини ташкиллаштириш ўта мураккаб жараён бўлганлиги боис, уни фақат анъанавий усуллар билангина эмас, синергетик методология асосида тадқиқ этиш, унинг ички моҳиятини ва ташқи алоқадорликларини тўлароқ очиш имконини беради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўз-ўзини ташкиллаштирувчи институтлар фаолиятини, хусусан маҳалла институтини тизимга солиш, шахснинг, миллатнинг ўзлигини англаш, жамиятда миллатлараро ҳамкорлик, динлар ва диний конфессиялараро бағрикенглик ва ижтимоий ҳамжиҳатликни қарор топтиришга оид тадбирлар замирида инсон омилига эътибор қаратилди, айниқса, жамиятимизнинг келажаги бўлган баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялаш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди ҳамда бу борада амалга оширилган барча ислохотларнинг негизида инсоннинг маънавий-руҳий ўз-ўзини ташкиллаштириши жараёни етакчи роль ўйнади. Бугунги кунда инсон тарбиясида мустақил ва эркин тафаккур ҳамда маънавий етукликнинг устуворлигини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»-нинг¹ (2017) «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» бандида (4.5.) кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда аҳамиятлидир.

Жаҳон фанида антропологик йўналишдаги фалсафий тадқиқотларнинг таркибий қисми бўлган мазкур тадқиқот хулосалари инсонни фақат физиологик, биологик мавжудот сифатида эмас, биринчи навбатда ижтимоий, руҳий-маънавий мавжудот сифатида, тарихий ва замонавий билимлар комплексига ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди. Шу пайтгача етакчи бўлиб келган чизикли ёндашув инсоннинг моҳиятига чуқурроқ кириб боришга имкон бермас эди. Ночизикли тафаккур асосида эса, инсоннинг моҳияти ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни билан бевосита боғланган ҳолда тадқиқ этилади, бу объектга синергетик ёндашув воситасида мавзуни янада мукамалроқ, тўлароқ тадқиқ этишга имкон беради.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида/ расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017.

тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-451-сонли Қарори ва «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги 2017 йил 28 июлдаги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, «4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш», «4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» бандларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсон ўз-ўзини ташкиллаштириш мавзусида қатор илмий ишлар бажарилган. Мазкур муаммони илмий тадқиқ этишга, асослашга инсонни тушуниш ва борлик дунёсини универсум таркибидаги узвий боғлиқ ҳодиса, деб қабул қилишга хизмат қилган мутафаккирлар қарашлари муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириши кўплаб қадимги Шарқ алломалари, жумладан аждодларимиз асарларида ўз аксини топган. Фақат ўз-ўзини ташкиллаштирган инсон қадимги Ҳиндда браҳман, «Авесто»да – Ахурамазда, қадимги Хитойда – «Ли», Европа идеалистларида мутлақ руҳ қисми, Ислонда – пайғамбар, тасаввуфда комил инсон, реал жамиятда эса, баркамол инсон деб юритилган.

Ўрта Осиё Уйғониш давридаги илм-фан ва маданият тараққиётини, у даврдан қолган меросларни ўрганиб хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги замон фалсафасида янги метод сифатида қўлланилаётган синергетика илмининг назарий-ғоявий асослари бизнинг узоқ ўтмишимизда мужассам бўлган. Яъни ўша даврдаги олиму фузалоларимиз томонидан илгари сурилган фикр-мулоҳазаларнинг замирида синергетика қонуниятлари, бифуркация, флуктуация ёки мувозанат масалалари стихияли тарзда баён қилинган. Жумладан, инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши тўғрисидаги ғояларнинг кенг ўрганилиши ва ривожланиши ҳам Ўрта асрлар даврига тўғри келади. Фақат бунда комил инсон ғояси асосида тадқиқ этилади. Бироқ шу комил инсон концепциясининг яратилиши, инсон моҳияти, олам ва одам муносабатлари каби фалсафий-илмий ғоялар кейинчалик Темурийлар даври ва Европа Янги ва энг янги давр фалсафасида муҳим илмий манба ва билим бўлиб хизмат қилди.

Синергетиканинг асосчилари Г.Хакен ва И.Пригожинларнинг изланишлари фандаги янги йўналишга тамал тошини қўйди. Мазкур йўналишга Г.Хакеннинг "Лазер синергетикаси", Г.Николис ва И.Пригожиннинг диссипатив тузилмалар назарияси, Е.Н.Князева, С.П.Курдюмов, К.Майнцер ва бошқаларнинг изланишлари муҳим илмий йўналиш бўлиб фанга киритилди.

Ўзбекистонда синергетика, инсон моҳияти ва уни ўрганишда синергетик методологиядан фойдаланиш доирасида М.Н.Абдуллаева, Д.Бозаров, З.Д.Давронов, Б.Зиёмухаммедов, Э.М.Иззетова, Р.М.Имамалиева, М.Имомназаров, Б.Р.Каримов, М.Маҳмудов, Қ.Н.Назаров, Ш.Отабоев, Б.О.Тураев, О.Ф.Файзуллаев, И.С.Хошимова, Н.А.Шермухаммедова, А.Эркаев, А.Чориев, Ш.С.Қўшоқовлар тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишларининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳодисасини синергетик методология асосида тадқиқ этиш, ўтмиш алломаларимизнинг мавзуга оид фалсафий қарашларини илмий муомалага киритиш ва шу орқали баркамол авлодни тарбиялашга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инсонни “руҳий-маънавий система”, “ўз-ўзини ташкиллаштириш”, “синергетика”, “ночизикли тафаккур”, “тартиб-тартибсизлик”, “оддийлик ва мураккаблик” сингари категориал тушунчалар воситасида таҳлил этиш асосида инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳодисасига нисбатан фалсафадаги янги методологик ёндашувларни кўриб чиқиш ва уларни баҳолаш;

ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг хусусиятлари билан инсондаги сифат ва мазмун хусусиятларининг мутаносиблигини ўрганиш;

ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг муҳим элементларини аниқлаш;

инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллашишининг фалсафий илдишларини тадқиқ этиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантиришда инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришининг ўрни ва таъсир доирасини тадқиқ этиш;

баркамол инсонни вояга етказишда ўз-ўзини ташкиллаштириш концепциясининг аҳамиятини кўрсатиб бериш;

инсоннинг янги даражадаги ташкиллашувида ахборот, маънавият ва тафаккур тарзининг таъсир доирасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсон.

Тадқиқотнинг предмети инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириши жараёни.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда синергетик ва системали ёндашувга асосий эътибор берилган. Шунингдек, тарихийлик, мантикийлик, анализ, синтез, аналогия ва қиёслаш каби муҳим тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳодисаси хусусиятлари билан инсондаги сифат ва мазмун хусусиятларининг ўзаро муносабати ҳамда система ясовчи элементлари аниқланган, инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллашининг фалсафий илдизлари асослаб берилган;

инсон тафаккур тарзини юксалтиришда анъанавий чизиқли ёндашувнинг чекланганлиги билан боғлиқ гносеологик парадигмалар ўрганилган; синергетик методология қонуниятлари ва принципларига таяниб инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳодисаси асослаб берилган;

Ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг эркин тафаккур юритиши жараёнида баъзан барқарорлик мувозанати флукуацияси оқибатида субъективизм, индивидуализм, эгоизм, протекционизм сингари негатив иллатлар вужудга келиши мумкинлиги аниқланиб, бундай рецидивларнинг олдини олиш учун юксак маънавиятнинг етакчилик ролини кучайтириш зарурлиги кўрсатиб берилган;

Марказий Осиё мутафаккирларининг комил инсон концепциясини синергетик таҳлил этиш натижасида инсоннинг баркамоллик даражасини юксалтирувчи руҳий-маънавий ва жисмоний соғломлигининг уйғунлашуви (редукционистик концепцияга қўра) шахснинг ўз-ўзини ташкиллаштириши эффективлиги ошишига олиб бориши илмий асосланган;

аждодларимизнинг инсон руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш тўғрисидаги ғоя ва таълимотлари синергетик методология асосида тадқиқ этилган, бу маънавий мероснинг ёшлар миллий ўзлигини англашида, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим детерминант (сабабий асос) бўлиши исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши» ғояси тарихий-мантиқий ёндашув асосида, синергетик методларни қўллаган ҳолда тадқиқ этилган, унга янги таъриф ва тавсиф берилган;

инсон мураккаб, серкирра мавжудот бўлиб, унинг руҳий-маънавий оламини ўз-ўзини ташкиллаштириш концепцияси асосида синергетик методологияга таяниб ўрганиш-ўрганилаётган объектнинг янги қирралари кашф этилган;

инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириши унинг ўзига хос хусусият ва сифатларини такомиллаштириш ва келажакдаги истиқболларига эришишини таъминлаш каби жараёнларга зарур илмий таянч ҳисобланиши асосланган;

жамиятда баркамол шахсни тарбиялашда руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий қарашлар расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг изчил мантиқийликка, анализ ва синтезга таяниб, интервью, эксперт сўрови ва экспериментлар шаклларида

асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идора ва муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий аҳамияти ва хулосалари инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши муаммосини янгича англашни назарда тутади. Илмий ишнинг натижалари ва материаллари индивиднинг муаммога синергетик ёндашув концепциясини ишлаб чиқиш ва ундан инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришининг хилма-хил қирраларини янада кенгроқ таҳлил этишда фойдаланилиш мумкин.

Деструктив жараёнларга муносабат масаласида диссертация материаллари инсонга атрофдаги олам билан конструктив тарзда муносабатга киришиш жараёнининг рационал тарзда амалга оширишига кўмак беради. Мураккаб жамоат системаларида хаос(бетартиблик)нинг кучайиши ва кескинлашувининг олдини олишга қаратилган чоралар эса социумнинг барқарор ривожини учун кенг имкониятлар яратиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мамлакатимизда миллий мафкура асосида инсон тафаккур тарзини ўзгартириш, маънавиятини юксалтириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

тадқиқот натижалари ёшларга миллий ўзликни англаш, ўз-ўзини билишни ўргатиш ва уларнинг баркамол авлод бўлиб камол топишлари учун экспозицияларнинг экскурсия матнларини ва этикеткаларини янги маълумотлар билан бойитиш асосида Самарқанд Давлат музей кўрикхонаси, Ўлкашунослик музейларида амалиётга тадбиқ этилди. (Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2016 йил 5 майдаги 1067-03-сонли хати). Мазкур тадқиқот натижаларига оид таклиф ва тавсиялар 2016-2019 йилларга мўлжалланган маданий-маърифий, илмий-адабий ва тарғибот ишларининг иш дастурига киритилганлиги инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши тўғрисидаги илк қарашлар ва ривожланиш босқичларининг ёшлар маънавий юксалиши ва дунёқарашини кенгайтиришга, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилди;

Ёшларнинг билимини ошириш ва маънавиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган бир қанча амалий ишларда “Камолот” ЁИХ фаолияти доирасида тадқиқотнинг амалий натижаларидан эркин тафаккур тарзини шакллантиришга бағишланган тадбирларда фойдаланилди (Республика Ёшлар марказининг 2017 йил 25 январдаги 7-сонли маълумотномаси). Бу баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларнинг режасига киритилган ва мустақил тафаккур юритиш жараёнида ёшларимизда танқидий, ночизиқли тафаккур тарзи ва ўз-ўзини ташкиллаштириш хусусиятларини ўз ичига олган маънавий онгни шакллантиришга оид таклиф ва тавсиялардан фойдаланиш, баркамол авлодни камол топтиришнинг муҳим омиллари ва асосларини оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 9 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола (9 та республика ва 6 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиқ берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилиш рўйхати, нашр этилган

Диссертациянинг «**Инсон - ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мураккаб ва очиқ система**» деб номланган **биринчи боби**да ўз-ўзини ташкиллаштириш тушунчаси ва унинг инсон билан ўзаро мутаносиблиги, инсонга синергетик ёндашувнинг аҳамияти ва инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришидаги муҳим омиллар, элементлари ва хусусиятлари илмий-назарий тадқиқ этилган. Бугунги кун, яъни янги демократик-ҳуқуқий давлат, янгича фуқаровий жамият талабларини инобатга оладиган бўлсак, глобаллашув даврида яшаётган ҳар бир шахс ўз-ўзини ташкиллаштириши жараёнида мақсадга мувофиқ, ҳозирги замон илм-фани талабларига, энг сўнгги технология ютуқларига, илмий ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, инсонпарварликка асосланган ғояларга жавоб бера олиши лозим. Ҳар бир фуқаро маънавий кадриятларимиз ва меросимиздан унумли фойдаланган ҳолда ўз-ўзини тарбиялаши, ўз-ўзини бошқариши, ўз-ўзини танқид қилиши, қолаверса, ўз-ўзини ташкиллаштириши заруриятдир. Шу нуқтаи назаридан инсон система сифатида қандай ички ва ташқи таъсирлар ҳамда ўзаро алоқадорлиги масаласи, унинг табиат ва жамият каби яхлит мураккаб тизим эканлиги, борлиқ билан уйғунликда ўз-ўзини ташкиллаштириши масалалари кўриб чиқилган. Инсон тараққиётининг ночизиқли, циклик ва ноциклик, спиралсимон моделларига синергетик талқин бериш орқали ўрганилаётган объектнинг янги хосса, қирра ва хусусиятларини кашф этиш мумкинлиги, унинг психик соғломлиги, маънавий юксаклиги ва физиологик кучлилиги уйғунлашуви унинг баркамоллигини таъминланиши, бошқа системалар хусусияти каби инсондаги беқарорликка ташқи омиллар шароит яратиб

берса-да имконият, янги илк нуқта ички олам билан боғлиқлигидир. Инсоннинг ривожланиш жараёнида доим флукутация ҳодисаси содир бўлади. Агар флукутация макродаражада бўлса таназзулга, яъни системанинг емирилишига сабаб бўлишини инобатга олсак, инсон макродаражадаги флукутациядан ҳимояланиши, сақланиши керак. Инсоний тизимда энг муҳим таркибий қисм ахборот бўлиб, унга ҳар бир очиқ система эҳтиёж сезади. Ахборот таҳдид ва бузувчанлик қасб этмаслиги учун ҳар бир ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсонда уни қайта ишловчи тузилма - онг, ночизиқли тафаккур тарзи шаклланган бўлиши лозимлиги табиат ва жамият қонуниятларига таянган ҳолда инсон ўз-ўзини ташкиллаштириши жараёнида ўзининг хусусий қонуниятларини ҳам шакллантириши мумкинлиги аниқ илмий далиллар ва маълумотлар билан асосланган ва бу борада маълум бир тавсиялар илгари сурилган.

Диссертациянинг «**Инсонда ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг фалсафий илдизларига синергетик ёндашув**» деб номланган иккинчи бобида инсон ва унинг борлиғи ҳақида қадимги тарихдан бугунги кунга қадар минглаб ғоя ва назариялар борлиги айтилган. Бироқ, уларнинг ҳаммасини ҳам айнан инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши ҳақида фикр ва ғоялар дейиш тўғри эмас. Аммо ҳали фалсафий-илмий тасаввур ва тафаккурлар куртак очмаган вақтда қадимги Шарқда, айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Турон халқлари томонидан яратилган афсоналар, эртаклар, дostonларда содда ва стихияли тарзда бўлса-да, инсон ўз-ўзини ташкиллаштирувчи мавжудот эканлиги ҳақидаги фикр ва ғоялар мавжуд бўлган. Мавзу доираси ва тадқиқот объектининг тарихийлик ва илмийлик аҳамиятини ошириш ҳамда конкрет муаммони кўриб чиқиш мақсадида, энг қадимги даврдан ҳозирги замон фалсафасига қадар инсоннинг ўз-ўзини ташкил этишига ишора қилиш ва тасдиқлаш каби ғояларни таҳлил қилиш ва моҳиятини очиб бериш мақсадга мувофиқ тадқиқ этилган.

Қадимги Шарқ фалсафаси – инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришининг илк манбалари сифатида ушбу қисмда илмий тадқиқ қилинган. Инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириш ғоялари қадимги Шарқ фалсафасига бориб тақалиб, бунда илк манба сифатида «Авесто»га мурожаат қилиш тўғри бўлади. «Авесто» комил инсон, яъни ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсон тарбиясига муҳим маънавий-ахлоқий кўрсатма бўла олади. Табиат жамиятда, умуман борлиқда ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятлари мавжудлиги қадимги Шарқ, қадимги Хитой ва Ҳинд фалсафасида илгари сурилган бўлиб бу инсонга ҳам хос эканлиги ғоялари илгари сурилгани таҳлил этилган. Қадимги Хитой файласуфлари, инсоннинг руҳий-маънавий қиёфасининг шаклланиш жараёнини, осмон ва ер муносабатларининг уйғунлашуви чиғириғидан ўтказиб таҳлил қилганлар. Инсон фаровон ҳаётни барпо этишда, асосан, унинг ўзи мутасадди эканлигини исботлашга уриндилар. Шунинг учун ҳам инсонни буюк қадрият, деб эълон қилдилар. Муҳими инсоннинг ўзини ўзгартириш, унинг руҳий-маънавий оламини такомиллаштиришга эътиборни қаратдилар.

Антик ва Ўрта асрларда ўз-ўзини ташкиллаштириш ҳақидаги илмий-фалсафий ғоялар ҳам синергетика нуқтаи назардан таҳлил этилиши ўзига хос янги ғояларни пайдо қилди. Инсон, уни қуршаб турган олам, табиат ва борлиқ ҳақидаги илк фалсафий қарашлар қадимги Шарқда пайдо бўлса-да, кейинчалик бу жараён қадимги Ғарб фалсафасида ривожланди, концептуал асослари шаклланди.

Шарқдаги табиий-илмий билимларнинг ютуқлари негизида шаклланган Қадимги Ғарб фалсафаси тафаккурида инсон ва унинг моҳияти кенг ўрганилган. Фалсафий мактаблар тамал тошини қўйган Иония мактаби, Элей ва Милет фалсафий мактабларининг файласуфлари бошқа кўплаб фалсафий масалалар қатори инсоннинг ўз-ўзини ташкиллашуви, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини билиши борасида ўз қарашларини баён этишган. Эътиборли томони шундаки кўплаб антик давр файласуфларининг инсонга нисбатан билдирган фикрларида синергетик ғоялар ва инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши асослари ўз аксини топган. Жумладан Қадимги Юнон фалсафасининг бош ғояси коинотни бутун борлиқнинг асоси деб билиши, уни ўз-ўзига асосланадиган сўнгги мутлоқлик, абсолют деб ҳисоблаш, инсонни табиатнинг бир қисми деб билишда ҳам ўз-ўзини ташкиллаштириш назарияси қонуниятлари мавжудлигига асос бўлади. Антик давр фалсафасида акс этган инсон руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси ва у ҳақдаги қарашлар, таълимотларни ўқиш ва ўрганиш синергетика фани ривожига ҳисса қўшиши баробарида, ўз-ўзини ташкиллаштириш назариясининг тарихий асосларини яратишда дастуруламал бўлиб хизмат қилиши ҳам айтилган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё фалсафасида ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг назарий концепциялари ҳам ишлаб чиқилган. Ўрта Осиё IX-XII асрларда яшаб ижод этган мутафаккирлар асарларида синергетик ғоялар ўз аксини топган. Ҳатто «тартибот», «тартибсизлик», «бифуркация» тушунчаларининг замонавий фандаги талқини асли ўша вақтда мавжуд бўлганки, бунга Форобий, Сино, Ислом Журжоний, Румий ва Саъдий каби мутафаккирлар таълимоти асос бўла олиши илмий далиллар билан таҳлил этилган. Инсоннинг руҳий-маънавий оламидаги беқарорлик табиий ва ижтимоий таъсир натижаси эканлиги, унинг мутлоқ барқарорлиги эса ирода эркинлиги билан боғлиқлиги ислом фалсафасида айтилган. Тасаввуфни бош муммоларидан бўлмиш комил инсон тарбияси ўз-ўзини ташкиллаштириши концепциясига мувофиқ келиб, унинг назарий асосларини Азизиддин Насафий кенгроқ тадқиқ этди. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда яшаб ижод этган мутафаккирлар асарларида синергетик ғоялар ўз аксини топгани, ҳатто «тартибот», «тартибсизлик», «бифуркация» тушунчаларининг замонавий фандаги талқини асли ўша вақтда мавжуд бўлганки, бунга Форобий, Сино, Ислом Журжоний, Румий ва Саъдий каби мутафаккирлар таълимоти асос бўла олади.

Ўрта Осиёда XIII-XVI асрларда комил инсон –руҳий- маънавий юксалиш концепциясининг ривожланишида ҳам синергетик ғоялар

мужассамлашгани ва бу ўз навбатида комил инсонни тарбиялашда муҳим маънавий озуқа булиши масаласи таҳлил этилган. Темурийлар даври ва Ўрта асрлар фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, айнан шу даврда комил инсонга муносабат, диний таълимотлар ва миллий кадриятларимиз характери тўлиқ шаклланди. Айнан шу тарихий жараёнлар ўз-ўзини ташкиллаштирувчи жамиятдаги ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсон қадри, фазилати, маънавий юксаклиги билими ва тажрибасига ўз таъсирини кўрсатди. Бошқача айтганда, умумбашарий тараққиётга, қисқа муддатда минг йиллар давомида қўлга киритиладиган натижаларга асос бўлиб хизмат қилган зиёлилар, маънавият юлдузлари ёрқинроқ намоён бўлди. Темур ва темурийлар даврида Мирхонд, Хондамир, Саъдиддин Тафтазоний, Шариф Журжоний, Бахоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ал-Коший, Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Ҳофиз, Камол Хўжандий, Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воизи Кошифий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирзо Бобур каби юзлаб олиму мутафаккирлар ва адиблар етишиб чиқдики, бу ўша даврда маънавият, маданият юксаклиги комил инсон концепцияси амал қилганлигидан далолат беради. Темурийлар даврида жамият ва унинг ўз-ўзини ташкиллаштирилиши амалий исботини топди. Комил инсон сиймолари шаклланди. Халқнинг маънавий юксалиши, кадрият ва инсонпарварлик ғояларининг ривожланишида айнан ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини билиш хусусиятларининг чуқур ўрганганлиги ва ҳаётда тадбий этилганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг **«Инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришининг илмий асослари ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги аҳамияти»** деб номланган **учинчи боб**да инсоннинг руҳий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришининг муҳим асослари, унинг фуқаролик жамияти ривожига аҳамияти таҳлил этилган. Жумладан, инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришида маънавиятнинг таъсири кенг тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида инсоннинг энг муҳим қисми маънавият бўлиб, у ички ирода ва дунёсини бақувват қилади ва жамиятдаги мавқеини белгилашда муҳим мезон ҳисобланиши, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг руҳий-маънавий жиҳатини ўрганаётган маънавиятнинг ҳам синергетик қонуниятлари мавжудлиги илмий-назарий тадқиқ қилинган. Инсон руҳий-маънавий ҳолати ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, ўзаро ақсатсир мувозанати маънавият билан боғлиқ бўлиб, агар у бузилса, тартибсизликка олиб келиши айтилган. Инсон маънавият орқалигини ўзлигини англайди, ўзлигини топади ва уни намоён қила оладики, бу ўз-ўзини ташкиллаштирувчи системанинг энг муҳим хусусиятларидан бири эканлиги системали ёндашув асосида баён қилинган.

Ўз-ўзини руҳий-маънавий ташкиллаштирувчи инсон тафаккури ва унда нозизиқлилиқнинг зарурияти масаласи ҳам долзарб эканлиги аниқ далиллар ва мисоллар билан ифодаланган.

Замонавий илмий билиш классик илмий билишдан фарқли равишда очик, мураккаб, нозизиқлик, ташкилланувчи, беқарор ва барқарор жараёнларни ўрганишини инобатга олиб айтиш мумкинки, воқелиқдаги ҳодиса ва

жараёнлар фақат «қайтарувчан, детерминациялашган, барқарор ва классик механика доирасида тан олинган материя-фаол бўлмаган бошланғич, асос эмас, балки беқарор ва флуктуациявий»², «тасодифий ва қайтарилмас»³ ҳисобланиб, «материяда спонтан фаоллик хусусияти ҳам мавжуд»⁴. Шу нуқтаи назардан инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришида ҳам ушбу жараёнлар мавжуд бўлиб, унинг мақсадли ва объективлик касб этиши учун ночизиқли тафаккур тарзининг ўрни муҳим ҳисобланади. Чунки ночизиқлик билиш имкониятини кенгайтириш баробарида ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсонга кўпвариантлик, ижодкорлик ва янги ақлий ҳудудларни пайдо қилишига асос бўлади. Билимнинг ишончлилиги, муаммони ижобий ҳал этилиши, объективлик таъминланишида ҳам ночизиқли таҳлил муҳим рол ўйнайди. Бу бугунги глобаллашув шароитида инсонга оқни қорадан ажратишга, янги қирраларни очишга ё яхши ё ёмон каби икки томондан ташқари, яна учинчи томон мавжудлигига методологик асос бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсонда ночизиқли тафаккур тарзи шаклланиши даркор. Кўпгина олимлар ҳам синергетикадаги ночизиқли таҳлил ҳақида фикр билдириб, «мураккаб тадрижий ўзгаришларни тадқиқ қилувчи усуллар ночизиқли таҳлилга таянсагина билиш жараёнидаги хатоликларнинг олдини олади» деган хулосага келмоқда. Яъни ночизиқли таҳлил ва тафаккур тарзи янги билимларнинг шаклланишига кенг имконият яратади. Масалага тўғри муносабатда бўлишни таъминлайди, бирёқламаликни бартараф этади. Инсоннинг муҳим руҳий-маънавий сифатлари тафаккур тарзи билан белгиланар экан, демак у инсон камолоти учун ҳал этувчи ролни ижро этиши тадқиқот марказида бўлган.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ўз-ўзини ташкиллаштирувчи инсоннинг функцияси ва аҳамияти ҳам таҳлил этилган. Унда фуқаролик жамияти ҳуқуқий-демократик жамият бўлиб, у очиқ ижтимоий организм сифатида эркин инсонлар ҳамжамияти эканлиги бу ўз-ўзини ташкиллаштираётган инсон учун энг муносиб маконлиги айтилган. Фуқаролик жамияти ҳуқуққа таяниб ўз-ўзини ташкиллаштираётган инсондаги нозик ва хаотик ҳолатларни ахлоқ ва қадриятлар тартибга соломаса, қонуний жиҳатдан объектив тарзда тартибга солади. Жамиятдаги ислоҳотлар ва янгиланишлар баробарида фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳар бир инсоннинг индивидуал, шахс сифатидаги ўз-ўзини ташкиллаштириши ниҳоятда муҳим жараён ҳисобланади. Чунки жамиятнинг асосини ташкил этувчи инсон ўз-ўзини ташкиллаштирамас экан, жамият ҳеч қачон ўз-ўзини ташкиллаштирамайди, яъни барқарор бўла олмайди. Мантикий хулоса қиладиган бўлсак, фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳар бир фуқаро, жумладан, шахс ўз-ўзини ташкиллаштириши зарурият

² Николис Г., Пригожин И. Познание сложного. Введение. -М.: Мир, 1990. С.7.

³ Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. Навый диалог человека с природой. -М.: Прогресс, 2003. С.50.

⁴ Пригожин И., Николис Г. Познание сложного. Введение. Серия «Синергетика: от прошлого к будущему». М.: Изд. Едиториал УРСС, 2003. С.5.

эканлиги замонавий фан ютуқлари ва тарихий жараёнлар билан илмий мушоҳада қилинган.

ХУЛОСА

“Инсоннинг рухий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштиришини фалсафий асослаш (онтологик ва гносеологик таҳлил)” мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса тақдим этилди:

1. Инсон мураккаб ва беқарор мавжудот бўлса-да, уни маълум бир системага солиб ўрганиш мумкин;

2. Инсон яхлит мураккаб ва очиқ система сифати ўз-ўзини ташкиллаштиради;

3. Индивидуал инсон ёки шахс хаос ҳолатидан тартиблашув жараёнига ўтиш даврида муҳим табиий, ижтимоий, тарихий воқеликларга сабаб бўлади;

4. Инсоннинг психик соғломлиги, маънавий юксаклиги ва физиологик кучлилигининг уйғунлашуви, унинг баркамоллигини таъминлайди;

5. Инсонда ҳар доим флуктуация ҳодисаси содир бўлади. Агар флуктуация макродаражада бўлса таназзулга, яъни системанинг емирилишига сабаб бўлишини инобатга олсак, инсон макродаражадаги флуктуациядан ҳимояланиши, сақланиши керак;

6. Табиат, жамиятда, умуман борликда ўз-ўзини ташкиллаштириш қонуниятлари мавжудлиги қадимги Шарқ, қадимги Хитой ва Ҳинд фалсафасида илгари сурилган бўлиб, бу инсонга ҳам хослиги ғоялари илгари сурилган. Антик давр фалсафасида акс этган инсон рухий-маънавий ўз-ўзини ташкиллаштириш ғояси ва у ҳақдаги қарашлар, таълимотларни ўқиш ва ўрганиш синергетика фани ривожига ҳисса қўшиши баробарида, ўз-ўзини ташкиллаштириш назариясининг тарихий асосларини яратишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

7. Одам индивиди ўз-ўзини ташкил этиши синергетик нуқтаи назаридан қаралганда тирик табиатнинг бошқа ҳар қандай тизими каби тирик материянинг умумий қонуниятларига бўйсинади, шу билан бир қаторда ўзининг мураккаб ўзига хос хусусиятларига эга. Ушбу ўзига хослик одамнинг ўз ўзини ташкиллаштиришида индивиднинг янада мураккаб тузилиши ва ташқи таъсирларнинг кўпбосқичлиги билан боғлиқдир. Инсондаги ўз-ўзини ташкиллаштириш системасининг прогрессив ривожланиши унинг ҳаётий жараёнларга қодирликни қўлга киритиши билан боғлиқдир.

8. Инсоннинг ўз ўзини ташкиллаштириши биологик ва ижтимоий синергизмга асосланган етакчи ижтимоий роли билан ривожланади. Бу инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштиришида биологик хусусиятларини ижтимоий хусусиятлари ютиб ташлашини англамайди, балки бир

бутунликни ўрнатишга йўналтирилган кўплаб ўзаро алоқаларни белгилаш демакдир.

9. Табиий дунё бу одам модда ва энергияни оладиган шунчаки ташқи муҳит эмас, чунки у унинг ўз-ўзини ташкиллаштиришига биологик даражада фаол таъсир ўтказди. Шу ўринда табиий аномалиялар жисмоний соғлиққа, табиийки одамнинг ўз ўзини ташкиллаштиришига таъсирини ўтказди. Синергетика нуқтаи назаридан қаралса ахлоқнинг тўғри тартибини сайлашга қодир бўлмаган одам социал даражада инсоннинг ўз ўзини ташкиллаштиришида деструктив феъл-атворлар базасига айланади.

10. Инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштириши бир бутун тизим намунасидир. Мазкур тизимда инсоннинг ўз ўзини ташкиллаштириш тамойили яхлитлик манфаатини кўзлагани жамиятнинг барқарор ривожини учун зарур шароит ҳисобланади.

11. Система сифати инсоннинг энг муҳим қисми маънавият бўлиб, у ички ирода ва дунёсини бақувват қилади ва жамиятдаги мавқеини белгилашда муҳим мезон ҳисобланади;

12. Инсон руҳий-маънавий ҳолати ва жамият ўртасидаги алоқадорлик, ўзаро ақтаъсир мувозанати маънавият билан боғлиқ бўлиб, агар у бузилса, тартибсизликка олиб келади;

13. Фуқаролик жамияти ҳуқуққа таяниб ўз-ўзини ташкиллаштираётган инсондаги нозик ва хаотик ҳолатларни ахлоқ ва қадриятлар тартибга соломаса, қонуний жиҳатдан объектив тарзда тартибга солади.

14. Қонуний асослар жамиятга ташқаридан эмас, балки ички манба-халқ вакилларида чикишини инобатга олсак, бунда ҳар бир фуқаро ўз-ўзини англаган, ўзини назорат ва бошқара оладиган даражада бўлиши лозим.

15. Фалсафий луғат ва адабиётларда «ўз-ўзини ташкиллаштираувчи инсон» «инсонга системали ёндашув» «инсоний тизим» каби ибораларга аниқ илмий таърифлар бериш ва инсоннинг ўз-ўзини ташкиллаштирашининг сифат-хусусиятлари ҳақида қисқача маълумот бериш зарур.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ – DSc.27.06.2017.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАХМАНОВ БАХОДИР УБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**ФИЛОСОФСКОЕ ОБОСНОВАНИЕ ДУХОВНО-
ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ САМООРГАНИЗАЦИИ ЧЕЛОВЕКА
(онтологический и гносеологический анализ)**

09.00.01.- Онтология, гносеология, логика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Fall1

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский) на веб-странице samdu.uz, по адресу www.ziynet.uz информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный консультант:	Тураев Бахтиёр Оманович, доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Абдуллаева Махбуба Нуруллаевна, доктор философских наук, профессор Саломова Хакима Юсуповна доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный институт востоковедения

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет Исторический факультет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол реестра № ___ от «_____» _____ 2017 года).

Б.Т.Туйчиев
Заместитель председателя научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.филос.н., профессор

А.А.Азизкулов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.филос.н.

С.А.Чориев
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.филос.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня во многих регионах мира наблюдаются агрессивность, духовная нищета и моральный кризис. В такой ситуации для человека становится еще более значимым понимание своего духовно-психологического самосознания. Это требует от каждого человека интеллектуальной ответственности, духовно-психологического возвышения, иммунитета к духовным угрозам, одним словом, духовной самоорганизации. Поэтому в XXI веке для человека самосознание, самоуправление, умение направить свою деятельность в созидательное русло становятся требованием времени. В то же время учитывая, что самоорганизация является очень сложным процессом, исследовать её необходимо не только традиционными методами, но и на основе синергетической методологии, которая позволяет глубже раскрыть ее внутреннюю сущность и внешние связи.

В Узбекистане за годы независимости большое внимание было уделено человеческому фактору, который составляет основу организации деятельности самоорганизующихся институтов, в частности, системе института махалли, самосознанию личности, нации, межнациональному сотрудничеству в обществе, религиозной и межконфессиональной религиозной толерантности и социальной солидарности. Особенно, поднялась на уровень государственной политики задача формирования и воспитания гармонично-развитого поколения, которое является будущим нашего общества и в основе всех реформ, проводимых в этой области, ведущую роль играет процесс духовно-психологической самоорганизации человека. В настоящее время уделяется особое внимание усилению приоритета самостоятельного и свободного мышления, а также духовного совершенства. Этот процесс имеет значение для осуществления задач указанных в «4.5. Совершенствование государственной молодежной политики» «Стратегии действий»⁵ (2017) по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.

Выводы данного исследования, являясь составной частью философских исследований в антропологическом направлении мировой науки, подтверждает необходимость изучения человека не только как физиологического, биологического существа, но прежде всего, в качестве социального, психологически-духовного существа в комплексе исторических и современных знаний. Линейный подход, который до сих пор был ведущим, не позволял глубже проникнуть в сущность человека. А на основе нелинейного мышления сущность человека изучается в прямой связи с процессом самоорганизации, а это даёт возможность более совершеннее, полнее исследовать тему с помощью синергетического подхода к объекту.

⁵ Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. – Ташкент.: Адолат, 2017.

Результаты диссертационного исследования служат реализации Закона “О Государственной молодежной политике” (2016), Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по повышению эффективности национальной идеи и духовности» (2006), «О повышении эффективности духовно-воспитательной работы и повышении развития отрасли на новый уровень» (2017 г.) и других нормативно-правовых актов в этой области; также результаты исследования в определенной степени служат осуществлению задач определённых в “4.4. Развитие сферы образования и науки”, “4.5. Совершенствование государственной молодежной политики”.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетного направления I.«Духовно-нравственное и культурное развитие, формирование инновационной экономики демократического и правового государства».

Степень изученности проблемы. Проблеме самоорганизации человека посвящено много научных работ. Среди них важное значение имеют труды тех мыслителей, которые пытались понять человека, познать его внутренний мир в тесной связи с бытием универсума. Вопросы самоорганизации человека нашли свое отражение также и в трудах мыслителей древнего Востока, в том числе наших предков. Только самоорганизующегося человека в этих учениях называли по-иному: брахман – в Древней Индии, Ахурамазда – в «Авесте», Ли – в древнем Китае, совершенствующийся дух – в идеалистических учениях, пророк – в исламе, совершенный человек – в суфизме, совершенней человек – в реальном обществе.

